

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ

№ 2
2015

ISSN 2181-6514

WWW.ITM.UZ

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ОБЩЕСТВЕННЫЙ ЖУРНАЛ



СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

- КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ АМАЛДА
НАЦИОНАЛЬНАЯ ПРОГРАММА ПО ПОДГОТОВКЕ КАДРОВ В ДЕЙСТВИИ
- ТАЪЛИМ ФАЛСАФАСИ
ФИЛОСОФИЯ ОБРАЗОВАНИЯ
- ТАЪЛИМ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ ТАРИХИ
ИСТОРИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ КОНЦЕПЦИЙ
- КАСБИЙ ТАЪЛИМ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ
ДИСТАНЦИОННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ
- ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ
ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ
- УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ
НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ
- ОИЛА ВА МАКТАБ
СЕМЬЯ И ШКОЛА
- МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури –
жамиятни модернизациялаш, инновацион иқтисодиётни
яратиш ва фуқаролик жамиятини босқичма-босқич
ривожлантиришнинг асоси

Национальная программа по подготовке кадров Республики Узбекистан –
основа модернизации, создания инновационной экономики
и поступательного развития гражданского общества

МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

Журнал Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти нашри.

Журнал Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда нашр этилмоқда

№ 2, 2015

	ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ / КАЧЕСТВО ОБРАЗОВАНИЯ И МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ СТАНДАРТЫ
3	Муминов Н.Г. Европа мамлакатларидаги олий таълим тизимида ўқув йили ва таълим учун ҳақ тўлаш хусусиятлари
12	Мамадалиев А.И. Стратегия развития современного образования
	КАСБГА ЙЎЛЛАШ / ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ
18	Ражабов Ў.Д., Ботиров Қ.А. Таълим ва ишлаб чиқариш интеграциялашувининг битирувчилар бандлигини таъминлашдаги аҳамияти
	ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ / ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ
24	Халимова М.В., Шобдурахимова У.Т. Ўсмирлик даврида юзага келадиган агрессив хулқни психологик коррекция қилиш имкониятлари
	ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ / ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ
31	Салиев М.М., Ташмухамедова Г.Х. Специфика преподавания курса «Основы искусства освещения»
36	Сарсенбаева Р.М. Дарсларда кўргазмалар ва тарқатмалар материаллардан фойдаланиш технологияси
	КАСБИЙ ТАЪЛИМ / ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
46	Холмухамедов М.М. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқитувчисининг педагогик компетенцияларини шакллантириш
	МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ / ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
53	Акрамова Ф.А. Мактабгача таълим самарадорлигининг психологик жиҳатлари
	ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР / ЗАНИМАТЕЛЬНЫЕ ФАКТЫ ОБ ОБРАЗОВАНИИ
59	Хорижда таълим олиш тўғрисида қизиқарли маълумотлар

«ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ» журнали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси талабларига тўлиқ жавоб беради ва илмий нашрлар рўйхатига киритилиши режалаштирилган.

Муминов Н.Г.,
 Ўзбекистон Миллий университети иқтисодиёт
 факультети «Макроиқтисодиёт» кафедраси
 доценти

ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ЙИЛИ ВА ТАЪЛИМ УЧУН ҲАҚ ТЎЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

МУМИНОВ Н.Г. ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ЙИЛИ ВА ТАЪЛИМ УЧУН ҲАҚ ТЎЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мақолада Европа мамлакатларида ўқув йилини ташкил этиш жараёни ўрганилиб чиқилган ва қиёсий таҳлил қилинган. Европа мамлакатларида таълим учун ҳақ тўлаш ва хорижда таҳсил олишни қўллаб-қувватлаш тизими борасида мулоҳазалар юритилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: семестр, ўқув йили, триместр, таълим учун ҳақ тўлаш, хорижда таҳсил олиш.

МУМИНОВ Н.Г. ОСОБЕННОСТИ УЧЕБНОГО ГОДА И ОПЛАТЫ ЗА УЧЁБУ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ ЕВРОПЕЙСКИХ СТРАН

В статье изучены и проведен сравнительный анализ организации учебного года в европейских странах. Также проанализирована европейская система оплаты за учебу и поддержки обучения за рубежом.

Ключевые слова и понятия: семестр, учебный год, триместр, оплата за учебу, учеба за рубежом.

MUMINOV N.G. FEATURES OF ACADEMIC YEAR AND PAYMENT FOR STUDY IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM OF THE EUROPEAN COUNTRIES

In article the organization of academic year in the European countries are studied and the comparative analysis is carried out. The European system of payment for study and supports of training abroad is also analysed.

Keywords: semester, academic year, trimester, payment for study, study abroad.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш, етук кадрларни етказиб бериш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Таълим ва тарбияни узвий боғлиқ ҳолда олиб бориш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашда давлатнинг ўрни беқиёсдир. Шу сабабли республикамиз ҳукумати томонидан таълим тизимини ислоҳ этишга доимо катта эътибор қаратилиб келинмоқда.

Ушбу мулоҳазанинг исботи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтиришимиз мумкин: «Таълим-тарбия ва тиббиёт муассасаларини янада ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бугунги кун талаблари асосида жиҳозлаш даражасини ошириш, ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш, аҳолини сифатли ичимлик суви ва замонавий санитария тозалаш тизимлари билан таъминлаш биз учун устувор йўналиш ҳисобланади. Ушбу мақсадлар учун давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи йўналтирилади. Бу ўтган йилга нисбатан 4 триллион 100 миллион сўм ёки 22,5 фоиз кўп демакдир. Жумладан, таълим ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга 34,3 фоиз, соғлиқни сақлаш тизимига 14,2 фоиз маблағ сарфланади»¹.

Таълим тизимини ислоҳ этишда ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда Европа Иттифоқи мамлакатларида талабаларни ўқишга қабул қилиш хусусиятлари, ўқув йили давомийлиги ва унинг таркиби, ўқиш учун пул тўлаш тартиби, хорижда таҳсил олишни қўллаб-қувватлаш жиҳатларини ўрганиш ва таҳлил этиш жуда муҳим ўрин эгаллайди.

Лиссабон конвенциясига биноан, «ўқишга кириш» ва «қабул» атамалари ўзаро боғлиқ

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2015 йил 17 январь.

ҳисобланса ҳам, бироқ бир-биридан фарқ қилади. Улар олий таълимда иштирок этишга йўналтирилган бир жараённинг турли босқичларини англатади. Ўқишга кириш ва қабул талабларини солиштириш жараёнида баъзи мамлакатларда ўқувчиларнинг қобилиятларига қараб турли йўналишлар бўйича тақсимланишига асосланган ўрта маълумот таркиби тўғрисида тасаввурга эга бўлиш зарур.

Шуни таъкидлаш керакки, ўқув йилининг таркиби асосан миллий, ижтимоий ва маданий анъаналар билан боғлиқдир. Мамлакатлар ўртасида ўқув йили таркибидаги фарқлар талабаларнинг мослашувчанлигига жиддий тўсиқ бўлиши мумкин. Ўқув йили таркибининг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш мақсадида 1993 йилдан бошлаб тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотлар ўқув йилининг бошланишида машғулотларни семестрлар, триместрлар ва ундан ҳам кичик модуллар кўринишида ташкил этишда кескин фарқлар мавжудлигини намоён этди. Кўпчилик мамлакатларда ўқув йили октябрь ойининг биринчи икки ҳафтасида бошланса, Скандинавия мамлакатлари ва Голландияда анча аввалроқ бошланади. Италиядаги баъзи олий таълим муассасаларида ўқув йили ноябрнинг биринчи ўн кунда бошланади. Имтиҳон ва таътиллар муддати ҳам турличадир. Шундай қилиб, умумий тизимнинг киритилиши мавжуд фарқлар билан мураккаблашмоқда. Ўқув йилини бошлаш борасида умумий тавсиялар ишлаб чиқилган: биринчи семестр октябрь ойининг иккинчи ҳафтасидан кечикмасдан, иккинчи семестр эса 1 февралдан сўнг бошланиши керак (1-жадвал).

Таълим учун пул тўлаш тизимини ўрганиш шуни кўрсатдики, тўлов тизимлари бир-бир-замонавий таълим / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2015, 2

1-жадвал. Европа мамлакатларида ўқув йилини ташкил этиш¹

Мамлакат	Ўқув йилининг бошланиши	Ўқув йилининг ташкил этилиши (маърузалар даври)
Австрия	Октябрь	Ўқув йили икки семестрли тизим бўйича ташкил этилган. Ўқиш 1 октябрдан январь охиригача ва 1 мартдан июнь охиригача давом этади.
Бельгия (фр.)	Сентябрь-октябрь	Университетлар ўқув йилининг турли таркибларига эга бўлиши мумкин: а) июнда имтиҳони бўлган йиллик тизим; б) ҳар бир семестрдан кейин имтиҳони бўлган семестр тизими.
Бельгия (фл.)	Сентябрь-октябрь	Университетлар ўқув йилининг турли таркибларига эга бўлиши мумкин: а) июнда имтиҳони бўлган йиллик тизим; б) ҳар бир семестрдан кейин имтиҳони бўлган семестр тизими; в) ҳар бир триместрдан кейин имтиҳони бўлган триместр тизими.
Германия	Сентябрь-октябрь	Ўқув режа икки семестрли тизимга асосланган. Бу жиҳатдан турли ерлар (худудлар) ва университетлар ва ноуниверситет секторлари ўртасида фарқлар мавжуд. Биринчи семестр сентябрдан ёки октябрь ўртасидан февраль ўртасигача, иккинчи семестр апрель ўртасидан июль охиригача давом этади. Имтиҳонлар топшириш вақти ҳар бир семестрдан сўнг.
Дания	Август ўртаси-сентябрнинг биринчи ҳафтаси	Кўпчилик дастурларда ўқув йили семестрларга бўлинади: сентябрдан январь охиригача ва февралдан июнь охиригача. Январь ва июнь – асосий имтиҳонлар даври. Бир қатор ноуниверситет дастурлари йиллик календарь бўйича тузилиб, ҳар ўқув йилида имтиҳон учун муддат ажратилади.
Испания	Октябрнинг биринчи-иккинчи ҳафтаси	Ўқув календари йиллик тизим бўйича ташкил этилган. Баъзи университетлар семестрли тизимдан фойдаланади.
Греция	1 сентябрь. Ўқиш сентябрнинг ўртасидан бошланади	Ўқув календари семестрларга бўлинади. Биринчи семестр сентябрь ўртасида бошланади ва январь-февраль ойларида имтиҳонлар билан тугайди. Иккинчи семестр февраль охирида бошланади ва июнь ўртасида имтиҳонлар билан тугайди.
Франция	1 октябрь. Ўқув йилининг бошланиш муддатлари фарқланиши мумкин	Ўқув йили ёки йиллик тизим бўйича ташкил этилиб, йил якунида имтиҳон учун муддат ажратилади ёки семестр тизими бўйича ташкил этилиб, ҳар бир семестрдан сўнг имтиҳонлар ўтказилади – асосан январь ва июнда.
Финляндия	1 август. Ўқиш август ўртасидан ёки сентябрь ўртасидан бошланади	Ўқув йили икки семестрга бўлиниб, уларнинг ҳар бири имтиҳон учун ажратилган муддат билан якунланади.
Италия	Одатда, 1 ноябрь. Бир нечта факультетлар ўқув йилини семестрларга бўлишган ва ўқишни вақтлироқ бошлашади	Ўқув йили йиллик тизим бўйича, ихчам семестр тизими ² ва оддий семестр тизими бўйича ташкил этилиши мумкин. Энг кенг тарқалган тизим ихчам семестр тизимидир.
Ирландия	Одатда октябрь, баъзида сентябрь	Ўқув йили анъанавий равишда учта триместр шаклида ташкил этилган. Лекин охириги йилларда баъзи университетлар икки семестрли ўқув йилига ўтди, бошқа университетлар эса бу тизимга ўтиш арафасида.
Исландия	Сентябрнинг боши	Ўқув йили икки семестрли тизим шаклида ташкил этилган. Биринчи семестр сентябрдан декабргача, иккинчи семестр январдан май охиригача давом этади. Имтиҳонлар топшириш муддати – декабрь ва май.
Лихтенштейн	Октябрь охири	Ўқув йили семестрларга бўлинади. Биринчи семестр октябрь ойининг охирига қадар, иккинчиси апрелда бошланади.
Люксембург	Октябрнинг боши	Centre Universitaire de Luxembourg да таълим олиш икки семестрли тизим асосида ташкил этилган

¹ Муаллиф томонидан қуйидаги манба асосида тузилган: Гретченко А.И., Гретченко А.А. Болонский процесс: интеграция России в европейское и мировое образовательное пространство. – М.: «КНОРУС», 2009. –С. 73–74.

² Ихчам семестр курслари ўқув йилига мўлжалланган курсларга мосдир. Улар битта семестрда мужассамлашган бўлиб, ажратилган соати ва ўқув юкласи бўйича тўлиқ йилга мўлжалланган фанларга эквивалентдир.

Мамлакат	Ўқув йилининг бошланиши	Ўқув йилининг ташкил этилиши (маърузалар даври)
Нидерландия	Август-сентябрнинг боши	Ўқув йили қуйидаги моделларнинг бири бўйича ташкил этилади: а) икки семестрли модель. Биринчи семестр – сентябрдан декабрь охиригача, иккинчиси – январь-февралдан июль охиригача; б) модуль тизими, асосан беш модулдан (блоклардан) ташкил топиб, ҳар бир модулнинг давомийлиги 8 ҳафтани ташкил этади (иккита модуль Рождествогача ва учтаси ундан кейин). Имтиҳонлар ҳар бир семестр ёки модуль якунида ўтказилади.
Норвегия	Август ўртаси	Ўқув йили икки семестрли тизим шаклида ташкил этилган. Биринчи семестр август ўртасидан декабргача, иккинчи семестр январь ўртасидан июнь ўртасигача давом этади. Имтиҳонлар шу даврнинг ичида топширилади. Баъзи ўқув юртларида учта триместр тизими қўлланилади.
Португалия	Октябрнинг боши	Семестр тизими энг кенг тарқалган. Имтиҳонлар ўтказилиш муддатлари – январь-февраль ва июнь-июль.
Швеция	Август охири	Ўқув йили давлат томонидан тартибга солинмайди. Кўпчилик ўқув юртлари икки семестрли тизимдан фойдаланади. Курслар ва дастурлар январда ҳам бошланиши мумкин.
Буюк Британия	Сентябрь охири – октябрь боши	Ўқув йилининг ташкил этилиши турли ўқув юртларида бир-биридан фарқланади. Ташкил этишнинг асосий турлари – семестрли ва триместрли. Баъзи ўқув юртларида ўқув йили триместрлар таркибида семестрлар бўйича ташкил этилади. Имтиҳонлар ўтказилиш муддатлари турлича бўлиб, уларни ўқув юртларининг ўзлари белгилайди. Борган сари кўпчилик ўқув юртлари ўқув йилини семестрлик тизим бўйича ташкил этмоқда.

дан фарқланади. Ушбу фарқлар Европа олий таълим тизимининг келажакдаги тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Чунки молиявий нуқтаи назардан баъзи талабаларга ўқиш учун тўлов юқори бўлган мамлакатлар эмас, балки бепул таълим берадиган мамлакатлар жозибалироқ ҳисобланади. Бундай тўловлар алмашув дастурлари бўйича таҳсил олаётган талабаларда муаммо туғдирмайди, чунки талабалар алмашув дастурлари бўйича келишувлар тўловлардан озод қилишни назарда тутди. Хорижда тўлиқ ўқув курсини ўташ ниятида бўлган бошқа талабалар эса тўловларни амалга оширишда қийналишлари мумкин. Ҳозирги кунда ўнта мамлакатда доимий талабалардан тўлов олинмайди: Австрия, Германия, Греция, Ирландия, Люксембург ва Скандинавия мамлакатлари – Дания, Финляндия, Швеция, Норвегия, Исландия. Голландия ва Буюк Британияда ўқиш учун энг юқори тўлов жорий қилинган. Шундай бўлса ҳам ушбу мамлакатларда зарурат туғилганда ўқиш учун тўлов камайтирилиши ёки тўлиқ (қисман) компенсацияланиши мумкин (2-жадвал).

Талабаларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими катта аҳамиятга эга. 1997 йилда

Deutsches Studentwerk томонидан Шарқий Европада таълимни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими тадқиқ этилди. Тадқиқотлар талабаларни қўллаб-қувватлашнинг миллий тизимлари ҳамда мувофиқлик ва ишонччилик мезонлари ўртасида кескин фарқларни намоён этди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, турли тизимларни бир-бири билан таққослаш жуда мураккабдир, чунки мавжуд субсидия, ссудалар тизимини ҳамда уларнинг оилавий харажатларни тенглаштириш тизими ва солиқ тизимлари билан боғлиқлигини таҳлил қилиш зарур. Агар талабаларга тўғридан-тўғри қилинаётган субсидияларнинг реал ҳажми ҳисобга олинса, қўллаб-қувватлашнинг энг юқори даражаси Скандинавия мамлакатлари, Австрия, Германия ва Голландияда амалга оширилиш яққол кўзга ташланади. Барча мамлакатларда молиявий қўллаб-қувватлаш талабаларнинг шахсий даромадларини ҳисобга олган ҳолда муҳтожликни текшириш сифатида қабул қилинади, баъзи мамлакатларда эса ота-оналарнинг даромадларини ҳисобга олган ҳолда (фарзандлар маълум ёшга етгунга қадар) эътиборга олинади.

Ўқиш даврида ота-оналар томонидан фарзандларни моддий жиҳатдан таъминлаш

2-жадвал. Европа мамлакатларида таълим учун ҳақ тўлаш ва хорижда таҳсил олишни қўллаб-қувватлаш тизими¹

Мамлакат	Таълим олишнинг оддий дастурлари учун ҳақ тўлаш ²	Хорижда таҳсил олишни қўллаб-қувватлаш тизими
Австрия	Австриялик, ЕИ/ЕИҲ мамлакатлари ва баъзи бошқа мамлакатлар талабалари учун таълим олиш бепул. Таълим учун тўловлар юқорида санаб ўтилган мамлакатларга тегишли бўлмаган талабалардан ундирилади.	Ўқишнинг тан олинган давлари давомида молиявий қўллаб-қувватлаш таъминланади. Миллий стипендия олаётган талабалар 20 ойдан ошмаган муддатда хорижда таҳсил олиш учун кўмак олиш ҳуқуқига эгалар.
Бельгия (фр.)	Рўйхатдан ўтиш ва таълим олиш учун тўлов мулкӣ ҳолат ва таълим олиш даражасига боғлиқ. Имтиҳонларни топшириш учун унча катта бўлмаган тўлов мавжуд. Тўловнинг базавий ҳажми – йилига 650 евро.	Таҳсил олиш даври учун ҳам, даража олиш учун тўлиқ курс ўқиш учун ҳам қўллаб-қувватлаш амалга оширилмайди.
Бельгия (фл.)	Рўйхатдан ўтиш ва таълим олиш учун тўлов мулкӣ ҳолат ва таълим олиш даражасига боғлиқ. Тўловнинг базавий ҳажми – йилига 460 евро.	Таҳсил олиш даври учун ҳам, даража олиш учун тўлиқ курс ўқиш учун ҳам қўллаб-қувватлаш амалга оширилмайди.
Германия	Таълим барча мамлакатлар (Германия, ЕИ ва бошқа мамлакатлар) талабалари учун бепул.	Максимал узунлиги 1–1,5 йил давом этадиган ўқишнинг тан олинган давлари давомида молиявий қўллаб-қувватлаш таъминланади.
Дания	Таълим барча мамлакатлар (Дания, ЕИ ва бошқа мамлакатлар) талабалари учун бепул.	Тан олинган курслар учун 4 йил муддатга молиявий қўллаб-қувватлаш амалга оширилади (ҳам таҳсил олиш даври учун, ҳам даража олишга мўлжалланган тўлиқ курслар учун). Скандинавия мамлакатлари учун лимит 6 йилни ташкил этади.
Испания	Испаниялик, хорижлик ва ЕИ мамлакатлари талабалари учун таълим учун тўловлар мулкӣ ҳолатга боғлиқ	Хорижда таҳсил олишни қўллаб-қувватлашнинг миллий тизими мавжуд эмас.
Греция	Таълим грециялик ва ЕИ мамлакатлари талабалари учун бепул. Бошқа мамлакатлардан келган талабалар таълим учун ҳақ тўлайдилар.	Маълумот йўқ.
Франция	Барча мамлакатлардан келган талабалар учун рўйхатдан ўтиш ва таълим олиш учун тўлов мулкӣ ҳолатга боғлиқ. Тўлов миқдори – 100 евродан 230 еврогача.	Максимал давомийлиги 1 йилни ташкил этадиган ўқишнинг тан олинган давлари давомида молиявий қўллаб-қувватлаш таъминланади.
Финляндия	Таълим барча мамлакатлар (Финляндия, ЕИ ва бошқа мамлакатлар) талабалари учун бепул.	Тан олинган курслар учун молиявий қўллаб-қувватлаш амалга оширилади (ҳам таҳсил олиш даври учун, ҳам даража олишга мўлжалланган тўлиқ курслар учун).
Италия	Барча мамлакатлардан келган талабалар учун рўйхатдан ўтиш ва таълим олиш учун тўлов мулкӣ ҳолатга боғлиқ. Тўлов миқдори таълим даражасига боғлиқ.	Хорижда таҳсил олишни қўллаб-қувватлашнинг миллий тизими мавжуд эмас.
Ирландия	Биринчи даражалар учун таълим тўловлари 1996 йилда бекор қилинган. Дипломдан кейинги курслар учун тўловлар сақланиб қолган.	ЕИ мамлакатларида даража олишга мўлжалланган тан олинган тўлиқ курслар учун молиявий қўллаб-қувватлаш амалга оширилади. ЕИ ва бошқа мамлакатларда таҳсил олиш даври учун қўллаб-қувватлаш амалга оширилиши мумкин.
Исландия	Таълим барча мамлакатлар (Исландия, ЕИ ва бошқа мамлакатлар) талабалари учун бепул.	Маълумот йўқ.
Норвегия	Таълим барча мамлакатлар (Норвегия, ЕИ ва бошқа мамлакатлар) талабалари учун бепул.	Тан олинган курслар учун молиявий қўллаб-қувватлаш амалга оширилади (ҳам таҳсил олиш даври учун, ҳам даража олишга мўлжалланган тўлиқ курслар учун).

¹ Муаллиф томонидан куйидаги манба асосида тузилган: Гретченко А.И., Гретченко А.А. Болонский процесс: интеграция России в европейское и мировое образовательное пространство. – М.: «КНОРУС», 2009. – С. 75-77.

² Жадвалда фақатгина оддий таълим дастурларига пул тўлаш ва таҳсил олиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Мамлакат	Таълим олишнинг оддий дастурлари учун ҳақ тўлаш ²	Хорижда таҳсил олишни қўллаб-қувватлаш тизими
Португалия	Португалиялик ва хорижлик талабалар таълим учун тўловларни амалга оширадилар. Дипломгача таълим учун тўлов миқдори 294 евро атрофида.	Хорижда таҳсил олаётган талабаларнинг стипендиялари сақланиб қолинади.
Швеция	Таълим барча мамлакатлар (Швеция, ЕИ ва бошқа мамлакатлар) талабалари учун бепул.	Тан олинган курслар учун молиявий қўллаб-қувватлаш амалга оширилади (ҳам таҳсил олиш даври учун, ҳам даража олишга мўлжалланган тўлиқ курслар учун).
Буюк Британия	Британия, ЕИ ва бошқа мамлакатлар талабалари учун тўловлар турличадир. Британия ва ЕИ мамлакатлари талабаларининг кундузги дипломолди таълим учун тўлиқ тўлов 1025 евро ни ташкил қилади. Тўлов миқдори мулкӣ ҳолатга боғлиқ бўлиб, у қисман ёки тўлиқ компенсация қилиниши мумкин. Олий таълим муассасалари ЕИдан ташқаридан келган талабаларнинг сиртқи ва дипломдан кейинги таълими учун тўлов белгилаш ҳуқуқиға эгадирлар.	Тан олинган курслар учун молиявий қўллаб-қувватлаш амалга оширилади (ҳам таҳсил олиш даври учун, ҳам даража олишга мўлжалланган тўлиқ курслар учун).

нуқтаи назаридан Европа мамлакатларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) ота-оналарнинг фарзандларини олий таълим олиши даврида моддий жиҳатдан таъминлаш мажбурияти қонун билан белгилаб қўйилмаган мамлакатлар (Скандинавия мамлакатлари, Ирландия, Голландия, Испания ва Буюк Британия). Бу мамлакатларда талабаларни молиявий қўллаб-қувватлаш катта аҳамият касб этади, аммо баъзи мамлакатларда (Ирландия, Голландия, Испания ва Буюк Британия) қисман ёки тўлиқ ота-оналарнинг даромадларига боғлиқдир;

2) ота-оналарнинг фарзандларини таълим (шу жумладан, олий таълим) олиши даврида моддий жиҳатдан таъминлаш мажбурияти қонун билан белгилаб қўйилган мамлакатлар (Австрия, Бельгия, Франция, Германия, Италия). Бу мамлакатларда фарзандлари олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ота-оналар учун давлат молиявий имтиёзлар тақдим этади, масалан, фарзандларга нафақа бериш ва солиқ имтиёзлари. Ота-оналар учун бериладиган молиявий имтиёзларга қўшимча равишда талабалар муҳтожлар учун бериладиган нафақалар ва қарз (займ)лар сўраб муурожаат қилишлари мумкин.

Хорижда ўқиш учун нафақа олиш имкониятларини солиштириш мамлакатлар ўртасида бу соҳада кескин фарқлар мавжуд-

лигини юзага чиқарди. 2-жадвалда хорижда ўқиш учун қисқа бир давр ва даражани олиш бўйича тўлиқ дастур бўйича ўқиш даври учун давлатдан молиявий кўмак олиш имкониятлари ёритиб берилган.

Хорижда ўқиш учун миллий нафақалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириб бориш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Скандинавия мамлакатлари, Австрия, Греция ва Голландияда хорижда даража олиш бўйича тўлиқ дастурни ўқиётганлар учун талабаларга ёрдам тизими жорий этилди ёки жорий этилмоқда. Фландрияда¹ эътироф этилган Голландия олий таълим муассасалари томонидан таклиф этилаётган дастурлар бўйича ва фламанд олий таълим муассасаларида мавжуд бўлмаган дастурлар бўйича давлат кўмагини олиш имконияти мавжуд. Молиявий кўмак қисман ота-оналар томонидан амалга оширилаётган ёки талабаларга тўлиқ пансион² кўринишида ёрдам бериладиган мамлакатларда бундай имкониятлар ҳар доим ҳам мавжуд эмас.

Европа таълимини ислоҳ этиш тизимида талабаларни халқаро касбга йўналтириш

¹ Фландрия (флам. Vlaanderen, фр. Flandre) – Ғарбий Европадаги тарихий ҳудуд бўлиб, унда асосан фламандлар яшайди. Бельгия (шарқий ва ғарбий Фландрия), Франция (Нор департаменти) ва Голландия таркибига киради.

² Ҳақ бадалига тўла таъминлаш, тўла таъминотга олиш.

(профорентация) тизими¹ алоҳида ўринга эга. Талабалар, университетлар ва иш берувчилар олий таълим муассасалари битирувчиларининг Европада ишга жойлашиш масаларига катта эътибор қаратишмоқда. Бунинг учун халқаро карьера имкониятлари ва шароитларига алоҳида урғу бераётган касбга йўналтиришнинг миллий ва халқаро тизимлари ишлаб чиқилмоқда.

Европа Иттифоқининг ташаббуси билан яратилган (1993 й.) EURES тизими (European Employment Services – Европа бандлик билан таъминлаш хизмати) ҳозирги кунда энг ривожланган тизим ҳисобланади. EURES – бу давлатларнинг бандлик билан таъминлаш хизматлари, масалалари билан шуғулланувчи минтақавий, миллий ва халқаро ташкилотларни бирлаштирувчи тармоқдир. Ушбу тизимнинг асосий вазифаси турли мамлакатларда бўш иш ўринлари, меҳнат ва яшаш шароитлари тўғрисида ахборот олишга имкон яратиш ва маслаҳат бериш ҳисобланади. Тизимни ҳаракатга келтирувчи асосий куч евроконсультантлар ҳисобланади. ЕИ/ЕИҲ мамлакатларида ишга жойлаштириш хизматларида фаолият юритиб, улар иш берувчилар ва халқаро меҳнат бозори билан қизиқаётган потенциал ишчиларга ахборот ва маслаҳатлар беришади.

Олий таълим муассасалари ва даражаларни эътироф этиш тартиботлари мамлакатлар ўртасида сезиларли даражада фарқланади. Барча мамлакатларда олий таълим муассасалари автоном бўлишига қарамасдан, турли мамлакатларда олий таълим муассасаларини давлат томонидан назорат қилиш ва тартибга солиш даражаси турличадир. Бу ҳол олий таълим муассасалари томонидан бериладиган турли малакалар ва даражалар учун мўлжалланган миллий стандартларга ҳам тегишлидир. Мисол учун, спектрнинг бир томонида ўқув дастурларининг мазмунига тегишли бирорта миллий меъёр белгиланмаган Буюк Британия ва Фландрия жойлашган бўлса, иккинчи томонида ҳар бир даража учун дастур-

ларнинг учдан бир қисми давлат томонидан белгилаб қўйиладиган Испания жойлашган. Бу икки четдаги нуқталар ўртасида қолган мамлакатлар жойлашган бўлиб, мамлакатлар улардаги стандартлар ва дастурларнинг ўхшашлиги ва бир хиллигидан келиб чиқиб гуруҳланади.

Даража олиш дастурларини тартибга солишга ўта либерал ёндашув жуда муҳим жараён, деб қабул қилиниши мумкин, чунки институционал ва миллий даражада турлитуманлик ва хилма-хилликка шароит яратади. Аммо, бошқа томондан, бундай хилма-хиллик, ушбу стандарт расмий ҳужжатлар билан бирга илова қилинса ҳам, аниқ бир малаканинг мазмуни ва стандартларига нисбатан ноаниқликларни юзага келтириши мумкин.

Европа олий таълим муассасаларида таълимни ташкил этиш ва дастурларнинг мазмуни билан боғлиқ масалаларда институционал автономияни ошириш бўйича умумевропа тенденцияси ўрин олмоқда. Масалан, бир қатор мамлакатларда молиялаштириш ўқишга қабул қилинган талабалар сонига эмас, балки ўзлаштираётган талабалар сонига қисман боғлиқ бўлади. Бошқа мамлакатларда эса сифатнинг баҳоланиши давлат томондан ажратилган маблағларни тақсимлашда бевосита аҳамиятга эга (Буюк Британия).

Шу вақтнинг ўзида олий таълим муассасалари ва малакалар хилма-хиллигининг ошиб бориши ва олий таълим тизимида халқаро рақобатнинг кучайиб бориши алоҳида олинган олий ўқув юрти миқёсида сифат ва стандартларнинг ҳуқуқий-меъёрий асоси ва ахборот олиш тизимини такомиллаштириш заруратини туғдирди. Бу, биринчидан, иш берувчилар, ҳукумат ва кенг жамоатчилик, иккинчидан, ўқиш ёки ишлаш учун бир мамлакатдан бошқа мамлакатга келаётган ва у ёки бу таълим дастурини танлаётган талабалар манфаатлари учун, учинчидан, халқаро рақобатбардошликни таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Бу тенденциялар сифатнинг ташқи назоратини амалга оширувчи турли механизмлар ва институтлар вужудга келишига олиб келди.

¹ Талабаларнинг Гетеборг декларацияси (Гетеборг, 22-25 март 2001 й.). Student Goteborg Declaration. – Goteborg, Sweden, March 25, 2001. Манба: <http://www.esib.org>

Ҳозир фойдаланилаётган ёки институционал миқёсда жорий этилаётган сифат назорати механизмларига қўшимча равишда кўпчилик мамлакатлар сифатни ташқи баҳолаш ва назорат қилиш бўйича ташкилотлар, агентликлар ташкил этади. Олий таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш бўйича Дания маркази ва Франциянинг Comité National d'Evaluation томонидан 1998 йилда ўтказилган тадқиқотларда Европа Иттифоқининг аъзолари ҳисобланган 11 та мамлакатда баҳолаш тартиби миллий даражада жорий этилганлиги қайд этилган.

Баҳолаш даражалари ва чегаралари турли мамлакатларда турличадир. Бир қатор мамлакатларда баҳолаш тартиби бир вақтнинг ўзида университет ва ноуниверситет секторларини қамраб олади, бошқа мамлакатларда эса бундай тартиботлар ҳар бир секторга алоҳида мўлжалланган. Уч мамлакат баъзи тартиботларни жорий қилиш босқичида турибди. Греция, Люксембург ва Бельгиянинг француз тилида сўзлашувчи қисми ўзида баҳолашнинг миллий тизимига асосланган тартиботларни жорий этмаган.

Малакаларнинг миллий стандартлари ҳозирча мавжуд бўлмаган мамлакатларда (масалан, Буюк Британияда) малакаларнинг миллий таркиблари муҳокама босқичида қолмоқда. Dearing Report да олий таълим муассасалари Сифатни назорат қилиш бўйича агентлик билан биргаликда олий таълимда бериладиган унвонлар келишилган атамашуносликка эга бўладиган малакаларнинг миллий таркибини ишлаб чиқиши тавсия этилган. Соҳа мутахассислари эса кутилаётган турли даражадаги унвонларга эришишнинг назорат стандартларини ишлаб чиқишлари зарур.

Стандартларни назорат қилиш ва ўз анъанавий миллий даражаларни эътироф этишнинг ривожланган таркибига эга мамлакатлар (масалан, Норвегия ва Германия) ўз олий таълим муассасалари томонидан бериладиган халқаро даражалар (бакалавр/магистр) стандартларига нисбатан маълум бир хавотирни ифодаламақда.

Норвегия университетлари 1991 йилдан бошлаб миллий даражалар билан бир қатор-

да магистрлик даражаларини бериш ҳуқуқига эга. 1999 йилда бундай ҳуқуққа давлат коллежлари эга бўлди. Янги дастурлар, албатта, таълим вазирлиги томонидан маъқулланиши шарт. Университет магистрлик дастурлари инглиз тилида бўлиши, олий ўқув юрти томонидан қабул қилинган интернационализация стратегиясининг бир қисми ҳисобланиши ва ўқишга кириш талаби сифатида бакалавр даражасига эга бўлишининг назарда тутилиши талаб этилади. Норвегия университетлари кенгаши томонидан тайёрланган ҳисоботда магистрлик курслари мазмуни ва ташкил этилишини миллий тартибга солишнинг мавжуд эмаслиги туфайли турли малакалар пайдо бўлиб, уларнинг кўпчилиги миллий даражалар таркибига мос келмаслиги қайд этилган. Университетлар кенгаши миллий стандартлар ва миллий координациялаш фақатгина сифатга нисбатан эмас, балки сонга нисбатан ҳам ўрнатилишини таклиф этишди.

Германияда бакалавр ва магистр даражаларини бериш 1988 йилда қабул қилинган Университет акти билан белгиланган. Шу билан бирга бакалавр ва магистрлик дастурлари аккредитация тизимини жорий этиш ва Германия олий мактаблари ректорлари конференцияси (Hochschulerektorenkonferenz) билан узвий боғлиқ бўлган аккредитацион кенгашни ташкил этиш ишлари амалга оширилди. Бундан мақсад ҳозирги кунга қадар анъанавий миллий даражалар каби эътироф этиш процедуралар билан тартибга солинмайдиган дастурлар учун умумий стандартларни таъминлашдан иборат.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Европа Иттифоқи мамлакатларида ўқув йилини ташкил этишнинг илғор тажрибасидан бизнинг миллий таълим тизимимизни такомиллаштиришда ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, Европа мамлакатларида таълим учун ҳақ тўлаш ва хорижда таҳсил олишни қўллаб-қувватлаш тизимини таҳлил этиб, ўрганиш ушбу тизимда келажакда амалга ошириладиган ислохотлар учун асос бўлиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодий тартибда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазирамиздир. // Ўзбекистон Президенти Исломи Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.
2. Гретченко А.И., Гретченко А.А. Болонский процесс: интеграция России в европейское и мировое образовательное пространство. – М.: «КНОРУС», 2009.
3. Талабаларнинг Гетеборг декларацияси (Гетеборг, 22-25 март 2001 й.). Student Goteborg Declaration. – Goteborg, Sweden, March 25, 2001. Манба: <http://www.esib.org>.